МИЛЛИЙ ПСИХОЛОГИК ҚИЁФА ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА НАМОЁН БЎЛИШ СОҲАЛАРИ

Атаджанов Мамиржон Юсупович
психология фанлари номзоди, доцент
Фарғона давлат университети

Аннотация: Янги авлодни вояга етказиш, жамият талабларига жавоб берадиган, унинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажаришга кўмаклашадиган фуқаролар шахсини шакллантириш ҳар бир тузумнинг энг олий мақсади бўлиб келган. Ўзбекистонда босқичма-босқич инсон шахсини шакллантириш тизимининг такомиллаштириб борилаётганлиги ҳам шу фикримизнинг яна бир ёрқин далилидир. Яхлит бир жараённинг икки томони айни пайтда ўзбеклар миллий психологиясининг икки йўналишини белгилаб беради. Биринчи йўналиш психологик адаптация, феноменология – шахс тараққиёти, комил инсон шахсининг шаклланиши йўналиши бўлиб, бу йўналиш шахс хусусиятларининг ижтимоий жараёнларга мослашишидан иборат. Иккинчи йўналиш реабилитация – қаддини тиклаш, турли даврларда хилма-хил сиёсий-ғоявий таъсирлар натижасида ўзгаришларга учраган миллий психологиямизни қаддини тиклаш, ўзлигига, ўз миллийлигига қайтаришдан иборат.

Аннотация: Воспитание нового поколения, формирование граждан, отвечающих требованиям общества и помогающих ему выполнять свои задачи, было высшей целью любого режима. Постепенное совершенствование системы формирования личности человека в Узбекистане – еще одно яркое свидетельство нашего мнения. Две стороны всего процесса определяют одновременно и два направления национальной психологии узбеков. Первое направление — психологическая адаптация, феноменология — развитие личности, направление формирования совершенной человеческой личности, и это направление состоит в приспособлении личностных особенностей к социальным процессам. Второе направление - реабилитация - реставрация, нашей национальной психологии, претерпевшей изменения в результате различных политических и идеологических воздействий в разные эпохи, и возвращение ей своей самобытности и народности.

Abstract: The education of a new generation, the formation of citizens who meet the requirements of society and help it to fulfill its tasks, was the highest goal of any regime. The gradual improvement of the system of human personality formation in Uzbekistan is another vivid evidence of our opinion. Two sides of the whole process determine simultaneously two directions of Uzbek national psychology. The first direction is psychological adaptation, phenomenology is the development of

personality, the direction of the formation of a perfect human personality, and this direction consists in the adaptation of personal characteristics to social processes. The second direction is rehabilitation - restoration of our national psychology, which has undergone changes as a result of various political and ideological influences in different epochs, and the return of its identity and nationality to it.

Калит сўзлар: психологик адаптация – феноменология, реабилитация, этногенез, этноижтимоий омил, этноиқтисод, этносиёсий омил, этнодемография, этник ўз-ўзини англаш, этник стереотиплар, этник антипатия (этногонизм), этник маданият, этноэкология, этнолингвистика, ижтимоий гурух ва қатламларга мансублик, сиёсий тузум, ижтимоий муносабатлар мазмуни, таълим-тарбия, иқтисодий омил, диний тасаввурлар, касб тури, миллий қадриятлар, халқ оғзаки ижоди, бадиий адабиёт, табиий мухит, миллий маданият, маънавий, маданий, адабий мерос.

Ключевые слова: психологическая адаптация - феноменология, реабилитация, этногенез, этносоциальный фактор, этноэкономика, этнополитический фактор, этнодемография, этническое самосознание, этнические стереотипы, этническая антипатия (этногонизм), этническая культура, этноэкология, этнолингвистика, принадлежность к социальным группам и слоям, политическая система, содержание общественных отношений, образование, экономический фактор, религиозные представления, род профессии, национальные ценности, фольклор, художественная литература, природная среда, национальная культура, духовное, культурное, литературное наследие.

Keywords: psychological adaptation - phenomenology, rehabilitation, ethnogenesis, ethnosocial factor, ethnoeconomics, ethnopolitical factor, ethnodemography, ethnic identity, ethnic stereotypes, ethnic antipathy (ethnogonism), ethnic culture, ethnoecology, ethnolinguistics, belonging to social groups and strata, political system, content of public relations, education, economic factor, religious beliefs, profession, national values, folklore, fiction, natural environment, national culture, spiritual, cultural, literary heritage.

Шубҳасиз ҳозирги даврда миллий психологик қиёфа миллий давлатчилигимизни шакллантириш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган миллий мафкура, миллий-маънавий қадриятларимизнинг ўзагини ташкил қилувчи миллий менталитет қобиғи билан ўралган ҳолда шаклланиши лозим.

Шу ўринда биз шаклланиш, қаддини тиклаш (реабилитация) атамаси устида тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Одатда жамиятда ижтимоий тузум, устивор қадриятлар, сиёсий тузум, бошқариш шакллари ўзгарганда жамият аъзолари психологиясида кўникиш (адаптация) жараёни кечади. Бу жараён

икки ёқлама характерга эга бўлиб, бир томондан индивидларнинг янгича қарашлар тизимига мослашишидан, иккинчи томондан ана шу қарашлар тизимини миллий психологик хусусиятларга мослаштиришдан иборат бўлади.

Яхлит бир жараённинг икки томони айни пайтда ўзбеклар миллий психологиясининг икки йўналишини белгилаб беради.

Биринчи йўналиш психологик адаптация, феноменология – шахс тараққиёти, комил инсон шахсининг шаклланиши йўналиши бўлиб, бу йўналиш шахс хусусиятларининг ижтимоий жараёнларга мослашишидан иборат.

Иккинчи йўналиш реабилитация – қаддини тиклаш, турли даврларда хилма-хил сиёсий-ғоявий таъсирлар натижасида ўзгаришларга учраган миллий психологиямизни қаддини тиклаш, ўзлигига, ўз миллийлигига қайтаришдан иборат.

Маънавий қадриятлар, миллий менталитет хусусиятлари таъсиридаги, ҳамда миллий мафкура қобиғидаги ўзбеклар миллий психологик қиёфаси ўз таркибида биз эҳтимол тутган қуйидаги жараёнлар ва компонентларни қамраб олади ва айни шу жараёнлар ва компонентлар таъсирида шаклланади:

Этногенез. “Асомийи наваду ду фирқайи ўзбек “ асарида ўзбек ҳалқи таркибига кирган 92 қавмнинг номи келтирилади. Вилоятларда ана шу уруғлар номлари билан юритиладиган қишлоқлар, аҳоли яшайдиган жойларни учратиш мумкин, бу номлар шу ҳудудда азалдан номи берилган уруғлар яшаб келганлигини кўрсатади: Минг, юз, қирқ, ўнг, ункажот, жалоир, сарой, хитой, қипчоқ, найман, чақмоқ, урмоқ, тудак, бўстон, самарчиқ, қалмоқ, қорлиқ, қатағон, орлот, арғин, барлос, бўйтай, кенагас, келачи, буйрак, уйрот, қиёт, қўнғирот, қонгли, ўз, жуловчи, жусуловчи, кажи (ҳожи), ўтарчи, қирловчи, жуют (жиют), жид, чулчут (чилчут), буёзит (баёзит), уймовут, керай, бағлон, лонғит, тангут, манғит, марки, буркут, моди қиёт, ўкалан, олчин, қори, ғариб, шибирғон, қишлик, туркман, дўрмон, табаи, там, тобин, рамадан, митон, уйшун, бўса, ҳафт, қирғиз, татар, бочқир, сулдус, келовчи, дужор, журот, бадайи, ўғлон, қурювут, чимбой, мехди, чилкас, уйғур, афаркон, нукус, қора тушлуб, ёбу, торғил, кўхат, шуран, ширин, тама, бахрин, керай, татхиён, муғол, қоён.

Миллат этногенезининг миллий психологик қиёфа ва характернинг шаклланишидаги аҳамияти шундаки, бу жараёнда этник стереотиплар алмашиниши, маданий ва маънавий қадриятларнинг, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тасаввурларининг ўзаро айрибошланиши жараёни рўй беради. Демак, этногенез бу айни пайтда миллий психологик қиёфа ва характернинг тарихий илдизи ҳам ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, этногенезни ўзбеклар миллий психологик қиёфаси ва характерининг муҳим компоненти сифатида кўрсатишни лозим топдик.

Этноижтимоий омил. Шахснинг ижтимоийлашиш жараёни жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар ва институтлар тизими билан бевосита боғликдир. (Парыгин Б.Д. «Научно техническая революция и личность». М. 1978). Шахснинг ижтимоийлашиши ва индивидуаллашиши жараёнларини ўзида мужассамлаштирган персонификация тушунчаси шахснинг тараққий этган эҳтиёжлари: билиш (ўз-ўзини англаш ва билиш эҳтиёжи), коммуникатив (маънавий мулоқот, тушуниш ва тан олиниш эҳтиёжи), конструктив (ўз-ўзини намоён қилиш, ўз-ўзини тасдиқлаш ва ижодий фаолият эҳтиёжи) кабиларни намоён қилади. (Парыгин Б. Д. “Научно-техническая революция и динамика социальных потребностей. В кн. "Проблемы формирования социогенных потребностей". Тбилиси. 1974).

Ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий институтлар тизими маълумки, эҳтиёжларни шакллантириш билан бирга айни пайтда эҳтиёжларнинг бевосита натижаси бўлган фаолият мазмунини ҳам белгилаб беради, шунинг учун ҳам миллий психологик қиёфанинг шаклланиши, сақланиши ва такомиллашишида бу жараёнларнинг аҳамияти катта.

Миллий психологик қиёфамизнинг қаддини тиклаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаётган ҳозирги шароитда ижтимоий муносабатларда адолатлилик ва ҳақиқатга буйсуниш ғояси муҳим аҳамият касб этмокда.

Этноиқтисод. Миллий республикалар, шу жумладан Ўзбекистонда мустақиллик арафаси ва мустақилликнинг дастлабки йилларида миллатлараро муносабатларнинг кескинлашиши кўп жиҳатдан миллий ишлаб чиқариш соҳасини марказлашган режалаштириш усулининг оқибати бўлди. Бундай режалаштириш оқибатида кўп асрлик ҳунармандчилик меҳнат анъаналари бузилди, Ўрта Осиё этносларининг туб манфаатлари ҳисобга олинмай қўйилди. Охир оқибатда буларнинг ҳаммаси миллий психология компонентларидан ҳисобланган, ўзбеклар маънавий психологик қиёфасининг муҳим белгиси бўлган байналминалчилик туйғуларига путур етказди.

Ишлаб чиқариш шакллари ва услублари ҳар доим маълум миллий тусга эга бўлади. Ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифати, шакли, безатилиши, улардан фойдаланиш ўзига хосликлари миллий дид, миллий таъб мезони билан ўлчанади. Масалан нафис чиннисозлик, гиламдўзлик, пичоқчилик, дўппидўзлик, каштадўзлик каби ҳунармандчилик соҳаларида дид, нафосат, таъб каби миллий психологик туйғулар иштирок этади. Албатта бу ҳунармандчилик соҳалари ҳар бир бошқа халқда ҳам бор, лекин шундай ҳунармандчилик маҳсулотларининг келиб чиқиш жойи уларнинг тайёрланиш услубларида мухрланган бўлади. Шунинг ўзи ҳам этноиқтисодий омил миллий психологик қиёфанинг алоҳида компоненти сифатида тадқиқ қилиниши мумкин.

Этноиқтисодий омил таркибида мулкчилик психологияси ўзак моҳиятни

ташкил қилади. Мулкдан бегоналашиш мулкка нисбатан мавжуд бўлган наслий эгалик ҳиссининг йўқолишига сабаб бўлади. Эгалик ҳисси эса бошқа жуда кўплаб психологик омилларнинг асосидир.

«Хусусий тармоқни ривожлантириш давлат мулкчилигига асосланган тоталитар тузумдан хусусий мулкчилик тамойилларига амал қиладиган демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутишини унутмаслигимиз керак.

Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳаётида ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин, мустаҳкам асос яратади. Шундагина жамият ҳаётида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қила бошлайди». (И.Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз. 2002 йил,14-феврал.).

Этносиёсий омил. Жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, синфий жамиятларда синфлар, ҳар бир индивид психологияси бевосита жамиятда ҳукм сураётган сиёсий муносабатлар тизимидан келиб чиқади. Сиёсий тузум индивидлар сиёсий психологиясини белгилаб беради. Инсоният тафаккурининг ноёб ҳодисаларидан бўлган утопия сиёсий жараёнларнинг миллат психологиясига таъсири жараёнини ёркин ифодалайди. Ҳамма утопистлар "қандайдир катта сакраш туфайли одамлар эзгулик ва адолат дунёсига ўта олишларига, қандайдир инсоннинг ҳаракати туфайли шу орзу рўёбга чиқишига ишонганлар. Қадим-қадимлардан бери мавжуд муносабатларнинг туб моҳиятини ўзгартира олишга қудрати етадиган буюк одам, ҳоким ёки қонуншунос ҳақида афсоналар тўқилган. Бизга яқин даврларда эса бир зумда, бир кунда ёмон жамиятни такомиллашган жамиятга айлантира оладиган инқилоб ҳақида афсоналар тўқила бошланди. Инқилоб туфайли янги қонунлар ўрнатилади ва шу захоти жамиятда эркинлик, тенглик ва биродарлик ҳукм сура бошлайди, ҳамма нарса яхши ва гўзал бўлиб қолади, одамлар ўртасидаги ҳамма тўсиқлар, улар характеридаги ёмон сифатлар, касаллик ва бахтсизлик, ғам ва ахмоқлик, бадбашаралик ва қашшоқлик йуқолади. Гуллар ҳам яхшироқ ис тарата бошлайди ва бутун одамзот инсонга ғамхўр бўлиб қолади.

Миллий психологиянинг муҳим компонентларидан бири ижтимоий адолат туйғуси ҳисобланса, индивиднинг сиёсий психологияси ана шу туйғу заминида вужудга келади. Этник сиёсатнинг қандай қадриятларга асосланиши, сиёсий психологиянинг мазмунини нима ташкил қилиши, сиёсий муносабатларнинг моҳияти, миллий психологик қиёфанинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Этнодемографик омил. Этнодемографик жараёнлар бевосита ёки бавосита

ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларига таъсир ўтказади. Демографик омилларнинг сон ва сифат характеристикалари мураккаб сабаб-оқибат боғланишлари орқали ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин. (Абдуллаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине. (основные проблемы, тенденции и протворечия 70-80 годы в XX век) автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук). Этнодемографик жараёнларнинг бундай моҳиятини хом ашё саноатининг вужудга келтирилиши, сунъий равишда урбанизация жараёнининг кучайтирилиши, этнодемографик жараёнларни режалаштириш, амалга ошириш ва бошқаришдаги миллий-психологик, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олмаслик бир неча йўналишдаги салбий оқибатларга олиб келди: Биринчидан ўзбек жамияти негизини ташкил қилган махалла жамоавий алоқалари бузилди. Иккинчидан ана шу алоқалар мустаҳкамлигини таъминловчи миллий маънавий қадриятларга путур етди. Учинчидан тарихан шаклланган халқ ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш шакллари унутила бошланди. Тўртинчидан махалла жамоавий муносабатлари, миллий ишлаб чиқариш фаолияти, оилавий муносабатлар билан боғлиқ бўлган анъаналар унутила бошланди. Натижада халқ миллий руҳининг қашшоқлашиши, миллий қиёфаниинг йўқолиб бориши кучайди, ўзбеклар миллий психологик қиёфасида ташқи омилга тобелик орта борди.

Этник ўз-ўзини англаш. Ҳар бир этноснинг ўз-ўзини англаш жараёни унинг ўз этник тасаввурлари, ўз этник сифатлари ҳақидаги қарашлари, этник стереотиплар билан боғлиқ. Этник стереотиплар инсон ҳулқини белгилаб ва унга одатдан ташқари шароитларда тўғри йўл тута олишга ёрдам бериб муҳим функцияни бажаради. Одамлар этник стереотиплар билан ёшлик даврлариданоқ танишадилар, чунки улар тарбия тизимининг энг керакли элементини ташкил қилади (Шнирельман В.А. Проблема доклассового и раннеклассового этноса в зарубежной этнографии. - В-кн: Этнос в доклассовом и раннеклассовом обществе.М. 1982).

Этник стереотиплар этник антипатия (этногонизм) ва симпатияга, шунингдек миллий установкаларга таъсир кўрсатиб, одамларнинг у ёки бу вазиятлардаги ҳулқ манерасини белгилаб беради. (Дробижева Л.М. Об изучени национальных установок. Л.,1969). Этник стереотиплар жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий шарт-шароитлар, маълум маданий омиллар таъсирида шаклланади ва миллатлараро установкаларнинг намоён бўлиши, акс этиши сифатида хизмат қилади. Бундай установкалар миллатлараро ҳамкорлик намоён бўладиган ҳаёт фаолиятининг ҳар-ҳил соҳаларида шаклланиши мумкин. Бундай муносабатларга масалан одамларнинг бошқа миллат вакиллари билан ишлаб чиқаришда, маиший ҳаётда, оилавий соҳада алоқа ўрнатишга муносабати,

миллий қадриятлар ва бошқа халқлар қадриятларига муносабати, ўз миллати ва бошқа миллатлар маданиятнинг турли элементларига муносабати киради. Ўзаро боғлиқ установкалар тўплами у ёки бу соҳадаги миллий йўналиш сифатида намоён бўлади. Демак этник стереотиплар миллий психологик қиёфанинг бошқа бир муҳим компоненти миллатлараро, байналминал муносабатлар соҳасини белгилаб беради.

Шахс психологик қиёфаси инсоният маънавий маданияти умумий элементларини, маълум тарихий шароитларда шаклланган ўзига хос маънавий ишлаб чиқариш элементларини ва ўз миллатининг ўзига хос маданий қадриятларини ўзлаштириш орқали шаклланади.

Умуминсоний қадриятлар тарихий тараққиётнинг турли босқичларида турли миллатлар томонидан яратилиб, умуминсоний маданият, маънавият сифатида шаклланган. Тарихдан шу нарса маълумки, доимий карвон йўлларида масалан, Буюк ипак йўлида жойлашган миллатлар юксак маънавий маданият босқичига кўтарилишган, бандаргох шаҳарлар, денгиз йўлида жойлашган давлатлар иқтисодий ишлаб чиқаришда илғор ютуқларни қўлга киритишган. Йирик марказлашган давлатлар, империялар ҳар доим шу давлатлар, империялар ҳудудида жойлашган халқларнинг маънавий баркамоллигига шароит яратган. Араб ҳалифалиги, Темур империяси, Бобур империяси даврларида ана шундай маънавий ва иқтисодий юксалишни кузатиш мумкин.

Бундай ҳолатнинг асосий сабаби шундаки, буюк карвон йўлларида, катта марказлашган давлатлар ҳудудларида тараққиётнинг турли босқичларида турган, турлича эътиқод, маданият, тил, урф-одатларга эга бўлган халқлар, миллатлар ўртасида бевосита моддий ва маънавий мулоқат, моддий ва маънавий айирбошлаш амалга ошади. Миллатлар ўзаро бир-бирини тўлдиради, бир-биридан ўрганади, бир-биридан ўзлаштиради. Ана шу ўзаро тўлдириш, ўрганиш, ўзлаштириш жараёнида аста-секин миллатнинг ўз-ўзини англаши амалга ошади, миллий психологик қиёфа шаклланиб боради. Фикримизча бу ерда маълум психологик қонуният амал қилади. Бошқа миллатга хос бўлган қадриятлар билан танишмагунча, индивид ўз миллатига хос бўлган қадриятларни фарқлай олмайди, яъни психологик таққослаш жараёни амалга ошмайди. Баҳолашнинг нисбийлик қонунига кўра миллатга хос бўлган турли қадриятлар тизими вақт мобайнида сараланиб энг мақсадга мувофиқлари, умуминсоний меъёрларга мос келадиганлари сақланиб қолади. Шу нуқтаи-назардан миллатлараро муносабатлар тизими миллий психологик қиёфа шаклланишининг муҳим соҳаларидан саналади.

Этник маданият ва этноэкология. Этник маданият талқинлари, унинг мазмун жиҳатидан хилма-хиллиги ҳақида биз юқорида атрофлича фикр юритдик. Миллий психологик қиёфани ўрганиш усуллари сифатида биз таклиф

қилаётган компонентлар тизимида ва миллий психологик қиёфа мазмунида маданият алоҳида ўрин тутади. Қолган барча компонентлар ўзаро боғлиқлик алоқасига киришиш билан бирга, маданият компоненти қолган ҳар бир компонент билан бевосита ўзаро алоқада мавжуд бўлади. Биз аниқлаб чиққан талқинларга кўра маданият бу маънавият, бу иқтисод, бу тил, бу тафаккур, бу экология, бу ижтимоий муносабатлар ва хакозо. Маданият ижтимоий турмуш тарзини белгилаш билан бирга, шахс тараққиётининг мазмунини ҳам белгилаб беради. Миллий ўз-ўзини англашда ва миллатлараро идрокда маданият асосий белги бўлиб хизмат қилади. Маданиятнинг ижтимоий турмуш тарзининг бошқа соҳалари билан уйғунлиги таъминланган ерда маънавий мутаносиблик амалга ошади.

XXI асрда инсон шахси структурасининг энг муҳим компонентларидан бири экологик психология бўлиб қолди. Бу тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин. Экологик психология – шахснинг атроф-олам ҳақидаги тасаввурлари тўплами, унинг моддий борлиққа, жонли ва жонсиз табиатга муносабатлари тизимидан иборат. Ҳозирги давр хусусиятига кўра экология маънавиятнинг муҳим бўлагига айланиб қолмокда. Яна бир ёндошиш тамойилига кўра экологик психология инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатлари оқибатларини яққол тасаввур қилиши демакдир. Республикамизда экологик психологиянинг қаддини тиклашга йўналтирилган махсус дастурнинг амал қилиши маънавий покланиш жараёнининг муҳим бўлаги бўлиши муқаррар.

Этнолингвистика. Халқлар ва миллатларнинг шаклланишида тил муҳим вазифани бажаради. Ёзма ва оғзаки ахборот маънавий, маданий ва иқтисодий тасаввурларни, қадриятларни сақлаш, ривожлантириш функциясини бажаришдан ташқари уларни шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Агар тил, нутқ фикрнинг моддий қобиғи эканлиги ҳақидаги тушунчадан келиб чиқсак, фақат миллий тилгина миллий руҳни тўла ифодалай олади. Таниқли арман психологи О.М.Тутунджян биргина "ҳаракат" тушунчасининг арман тилида 500 дан ортиқ туси борлигини аниқлаган. Айтиш мумкинки, ўзаро муносабатлар маданияти, ахлоқ, одоб, нафосат маданияти бевосита муомала маданиятида ифодаланади. Мутахассисларнинг айтишича араб тилида она билан боғлиқ ҳақорат сўзлари умуман йўқ экан. Тилдаги ҳақорат сўзларининг сонига, уларнинг ишлатилиш частотасига қараб ҳам ўша миллат маънавий-психологик қиёфаси ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Ижтимоий гурух ва қатламларга мансублик. Турмуш тарзи, кундалик ўзаро муносабатлар тизими (бунга ишлаб чиқариш, оилавий, норасмий, шартли гуруҳлардаги ва хакозо муносабатлар киради) шахс онги, унинг психологиясини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Азалдан миллий ҳунармандчилик анъаналарига эга бўлган Ўзбекистонда ижтимоий гуруҳлар, ҳунармандларнинг: косиблар, темирчилар, тўқувчилар, пичоқсозлар, сартарошлар, сангтарошлар, ямоқчилар, бўёқчилар, синиқчилар, нонвойлар, аравасозлар, каштадўзлар, гилам тўқувчилар каби ўнлаб турларини ажратиш мумкин.

Бундан ташқари ҳайдовчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, таъмирловчилар, слесарлар, сантехниклар, буёқчилар, созловчилар каби ўнлаб саноат билан боғлиқ, чорвадорлар, сут соғувчилар, пахтакорлар, ғаллакорлар, сувчилар, сабзавот етиштирувчилар каби ер ишлаш билан боғлиқ, шифокорлар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, тарбиячилар каби ижтимоий соҳа билан боғлиқ гуруҳлар мавжуд.

Маълум фаолият турида бирлашган ижтимоий гуруҳ вакиллари психологиясида умумийлик бор эканлигини инкор қилмаймиз, чунки бу умумийлик фаолият умумийлигини ўзида акс эттиради. Лекин шу билан бирга санаб ўтилган ҳар бир ижтимоий гуруҳ вакиллари психологиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эканлигини ёддан чиқармаслик лозим. Методологик ёндашув сифатида бу факт катта аҳамиятга эга.

Айнан шу тасаввурдан келиб чиқиб ўзбеклар психологик қиёфаси ва миллий характерини ўрганишнинг битта йўналишини бевосита фаолият ташкил қилади.

Фаолият структураси ва мазмунини талқин қилишда биз анъанавий психологик тасаввурлардан чекинганимиз йўқ. Биз айнан шу структура ва мазмун фаолиятнинг ҳамма қирраларини тўла акс эттира олади, деб ҳам айта олмаймиз, лекин таъкидлаб ўтишимиз лозимки, биз биз таклиф қилаётган қурилма фаолиятнинг энг асосий йўналишларини акс эттиради.

Биз психологик қиёфа мазмунининг асосий таркибий қисмлари сифатида хатти-ҳаракатлар, ҳулқ-атвор ва таъсирга берилувчанлик йўналишларини олдик. Хатти-ҳаракатлар бу ерда инсон фаолиятининг бутун мазмунига қиёсланади, маданият, маънавият фаолиятнинг турли кўринишларида кўзга ташланадиган шахс фазилатларининг намоён бўлиш соҳаси сифатида ўрганилади. Фаолият турларининг психологик қиёфанинг таркибий қисмларидан бири сифатида алоҳида ажратилиши қонуний ҳол албатта.

Фақат шуни эслатиб ўтиш керакки сўз бу ерда айнан одамларнинг биргаликдаги фаолияти хусусида боради. "Фаолиятнинг ижтимоий табиати у алоҳида ҳолда ва биргаликда бажарилганда намоён бўлади. Иккинчи ҳолатда бу хусусият янада яққол кўзга ташланади. Биргаликдаги фаолият жараёнидаги одамлар ўртасидаги муносабатлар ва биргаликдаги фаолиятнинг ўзи қандай тартибда бўлиши шу жамиятда шаклланган ижтимоий ва биринчи навбатда ишлаб чиқариш муносабатлари тизимига боғлиқ бўлади".

Лекин бу таркибий бўлак фақат фаолиятнинг ўзи билангина чекланмайди. Уни хатти-ҳаракатлар, деб аталишининг яна бир сабаби шуки, бу ерда иш-ҳаракатлардан ташқари, ҳулқ-атвор билан бевосита боғланиб кетадиган амаллар ҳам назарда тутилади. Амални биз фаолиятдан кўзда тутилган мақсад, фаолиятнинг ахлоқий соҳаси, деб атадик. Бизнингча фаолиятнинг ахлоқий соҳаси бевосита унинг психологик мазмунини очиб беришга хизмат қилади.

Психологик қиёфанинг иккинчи таркибий қисми ва намоён бўлиш соҳаси сифатида ҳулқ-атвор олиниши мумкин. Биз ўзбеклар психологик қиёфасининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлиши мумкин бўлган ҳулқ-атвор йўналишини алоҳида ажратишни лозим топдик.

Фикримизча бу йўналишларнинг ҳар бирида ўзбекларга хос бўлган психологик хусусиятлар, сифатлар айнан миллийлик кобиғида намоён бўлади. Оилавий муносабатлар шарқона субординацияни, тарбия жараёни ўзбекона сабр тоқатни, ўзаро мулоқат шарқона назокатни, зиддиятли ҳолатлар босиқликни, стресс ҳолатлари мулоҳазалиликни, руҳий кўтаринкилик ва руҳий тушкунлик ҳолати мос равишда қаноат ва мўминликни намоён қилади.

Таъсирга берилувчанликни алоҳида таркибий қисм сифатида ажратилиши эҳтимол маълум тушунмовчилик туғдириши мумкин. Биз бунда айнан шарқона миллий психологик хусусиятлар ҳақидаги қарашларга асосландик. Ғарб илмий адабиётларида Шарқ тафаккурининг интуитив хусусияти ҳақида кўп гапирилади. Бундай фикрларда ўзига яраша ҳақиқат бор албатта. Фикримизча тафаккурнинг интуитивлиги психологик қиёфага кўпроқ эҳтирос туси берилишига сабаб бўлади. Нутқда, мимикада, иш ҳаракатда ҳиссиёт, эҳтирос ва шиддатнинг кучлилиги бизнинг психологик таъсирга берилувчанликка мойиллигимизнинг юқори даражасидан келиб чиқади.

Ўзбеклар психологик қиёфасини ўрганишда энг муҳим жиҳатлардан бири бу ана шу психологик қиёфани шакллантирувчи омиллар муаммоси ҳисобланади.

Психологик қиёфани шакллантирувчи омиллар масаласида илмий тадқиқотларда ягона, қатъий бир фикр йўқ. Барча тадқиқотчилар ўз илмий позициялари, тадқиқот устивор йўналишлари характеридан келиб чиқиб бу масалага ўзига хос тарзда ёндашишган.

Ўзбеклар психологик қиёфаси ва миллий характерининг тарихий этнологик илдизлари, тараққиёт динамикаси ва ҳозирги даврда миллий давлатчилик шаклланиши ўзига хосликларидан келиб чиқиб ўзбеклар психологик қиёфасини қаддини тиклаш ва такомиллаштириш механизмларига боғлиқ равишда асосий шакллантирувчи омиллар сифатида қуйидагиларни аниқладик:

1. Сиёсий тузум – сиёсий қарашлар тизими – сиёсий психологияни шакллантирувчи омил сифатида. 2. Ижтимоий муносабатлар мазмуни – жамиятдаги мафкуравий қарашлар, ижтимоий жараёнлар характеридан келиб чиқиб, ижтимоий психологияни шакллантирувчи омил сифатида. 3. Таълим-тарбия тизими – сиёсий ва ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб, инсон шахсини шакллантиришнинг асосий омил сифатида. 4. Иқтисодий омиллар – ишлаб чиқариш муносабатлари мазмунидан келиб чиқиб – иқтисодий онг мазмуни ва иқтисодий психологияни шакллантирувчи омил сифатида. 5. Диний тасаввурлар – шахс қурилмаси, одамларнинг ўз-ўзига ва бошқаларга муносабати мазмунини белгилаш характеридан келиб чиқиб – диний психологияни шакллантирувчи омил сифатида. 6. Касб тури. Иқтисодий (ишлаб чиқариш муносабатлари) ва касб тури омилининг алоҳида ҳолда ажратилишининг ўзига яраша мазмуни бор. Касб тури ўзбеклар иқтисодий ишлаб чиқариш хусусиятининг ўзига хослиги – майда ҳунармандчлик ва якка ҳолдаги касб фаолияти, оилавий меҳнат фаолияти соҳаларини ўз ичига олади. Яъни касб тури иқтисодий омилнинг миллий ўзига хос тўлдирувчиси сифатида иштирок этади. 7. Миллий қадриятлар – урф-одат, маросим, маросим тартиблари ва анъаналар асосида – миллий ўз-ўзини англашни шакллантирувчи омил сифатида. 8. Халқ оғзаки ижоди – тарихан шаклланган тасаввурлар тизимидан келиб чиқиб, умуминсоний қадриятлар, эзгулик ва ёвузлик, иймон ва инсоф, эътиқод ва диёнат ҳақидаги тасаввурларни шакллантирувчи омил сифатида. 9. Бадиий адабиёт – ҳаёт фаолияти жараёнларини бадиий тасвирлаш орқали ахлоқ, одоб, нафосат ҳақидаги тасаввурларни шакллантирувчи омил сифатида. 10. Табиий мухит – иқлим, сув, рельеф, экологик ҳолат, регионал табиий мухит шароитлари таъсирида психологик ўзига хос хусусиятларни шакллантирувчи омил сифатида. 11. Миллий маданият – жамият аъзоларининг гўзаллик, эзгулик, нафосат ҳақидаги фикрлари маҳсули сифатида, ишлаб чиқариш ва уй-жой жиҳозлари, уй тутиш, бинокорлик билан боғлиқ амалий тафаккурни шакллантирувчи омил сифатида. 12. Маънавий, маданий, адабий мерос – бу омилни миллий қадриятлар, халқ оғзаки ижоди, бадиий адабиёт омиллари билан аралаштириб бўлмайди. Биринчи ҳолда урф-одат, анъана ва маросимлар ҳақида гап кетса, иккинчи ҳолда эртак, афсона, достонлар, мақоллар, маталлар каби халқ оғзаки ижоди маҳсулотлари ҳақида, учинчи ҳолда эса бадиий адабиётлардаги тасвирчилик, нафосат тасаввурларининг ифодаланиши ҳақида сўз юритилади. Маънавий, маданий, адабий мерос омили ҳақида гап кетганда маънавият, маданият ёдгорликлари, адабий тафаккурнинг фалсафий моҳияти ҳақида сўз юритилади.

Фикримизча айнан шу омиллар ўзбеклар психологик қиёфасини тадқиқ қилиш ўзига хосликларини тўла акс эттиради.

Ижтимоий тараққиёт қонунига кўра ҳар бир тузум, янги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қурилма биринчи навбатда таълим тарбия тизимини ислоҳ қилади. Бу зарурат энг аввало жамиятда амалга оширилиши кўзда тутилган ислоҳотларнинг бош ижрочиси, жамият аъзолари эканлиги ва бу ислоҳотларнинг муваффақияти биринчи навбатда жамият аъзоларининг ана шу жараёнларга бўлган муносабатига боғлиқлигидан келиб чиқади.

«Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради».

Янги авлодни вояга етказиш, жамият талабларига жавоб берадиган, унинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажаришга кўмаклашадиган фуқаролар шахсини шакллантириш ҳар бир тузумнинг энг олий мақсади бўлиб келган. Ўзбекистонда босқичма-босқич инсон шахсини шакллантириш тизимининг такомиллаштириб борилаётганлиги ҳам шу фикримизнинг яна бир ёрқин далилидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.– Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 Б;
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 5-жилд. – Тошкент. Ўзбекистон, 2020. – 456 Б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т. Ўзбекистон, 1997 - 326 б.
4. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т., «Шарқ», 1998.
5. Абдуллаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине (основные проблемы, тенденции и противоречия. 70-80 годы XX века). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук.Т. 1994.
6. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М. Изд. "Наука". 1983.
7. Кайковус. Қобуснома. (Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси, тўлдирилган иккинчи нашри,Т., Истиқлол. 1994.)
8. Культура жизнообеспечение и этнос. Опыт этнокультурологического исследования (На материалах армянской культуры).

Ереван, 1983.

9. Хрестоматия по педагогической психологии, Учебное пособие для студентов-М.: Международная педагогическая академия. 1995-416 стр

10. Шоумаров Г.Б. Влияние психологических особенностей узбекской семьи на воспитание молодежи.

11. Эльконин Д.Б. Психическое развитие в детских возрастах.-М.: Издательство «институт практической психологии», Воронеж: НПО «МОДЭК», 1995-416с.